



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 10 август, № 155 (5070)

Сешанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 август куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазири Кацуя Окадани қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги ҳолати ва турли соҳалардаги ривожланиш даражасидан мамнун эканини билдирди.

Бизнинг ҳозирги муносабатларимиз даражаси ва характери 2002 йилда имзоланган «Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги қўшма ҳужжатга, шунингдек, Япониянинг бугунги дунё иқтисодиёти ва сиёсатида тўғри алоҳида ўрнига ҳам мос келади, — деб таъкидлади Ислам Каримов.

Япония халқроқ ҳамкорлик агентлиги (JICA) раҳбарияти Осие тараққиёт банки Бошқаруви раҳбари Кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган 43-йиллик мажлисидаги иштироки мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан

Қашқадарё вилоятидаги Таллимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш лойиҳаси бўйича қўшма 300 миллион АҚШ долларига тенг битимни имзолади. Бу Ўзбекистон — Япония алоқалари нечоғли мустаҳкам эканини яна бир бор тасдиқлади.

Минтақада мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик доирасида «Марказий Осие + Япония» мулоқот механизми амал қилмоқда. Шу кунларда аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мулоқотида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликка оид ма-

«Марказий Осие + Япония» мулоқоти доирасида Тошкентда ташқи ишлар вазирларининг учинчи кенгаши бўлиб ўтди.

## ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов, Япония ташқи ишлар вазири Кацуя Окада, Қозоғистон Республикаси давлат қотиби — ташқи ишлар вазири Канат Саудабаев, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳамроҳон Зарифий ва Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Султон Пирмухамедов иштирок этди.

Кенгаш қатнашчилари минтақамизда терроризм, экстремизм ва наркотрафик каби таҳдидларни бар-тароф этиш борасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди. Давлат чегараларини назорат қилиш самарадорлигини ошириш, Марказий Осие мамлакатлари ва Япониянинг саломатлиги ва имкониятларидан фойдаланиб, Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда иштирок этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда ташқи ишлар вазирларининг 2006 йил Токиода бўлиб ўтган иккинчи кенгашида қабул қилинган «Харакат дастури» ижроси сарҳисоб қилинди. Тошкент Марказий Осиеда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш масалаларини муҳокама қилди.

Кенгаш иштирокчилари халқаро ядровий қуролсизланиш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик гоёларига содиқ эканини, минтақамизда ядровий хавфсизликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан Япония томони мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган Марказий Осиеда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги шартнома 2009 йилда минтақамизнинг барча мамлакатлари томонидан ратификация қилинган билан қутлади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қашқадарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

## ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мажлисида қайд этилганидек, йўл-транспорт воқеалари тўхтовсиз кўпайиб бораётган, йўл коммуникациялари ривожланаётган ва йўл ҳаракати жадаллашиб бораётган бир шароитда фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкни, ҳуқуқ ҳамда ҳаётининг ўртадаги ишчи органлари чуқурлиги 12-14 сантиметр, 90 сантиметр схемасида чигит экилган ерда 15-16 сантиметр этиб ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Культиваторнинг четки ишчи органларининг чуқурлиги эса ҳар икки қатор ораллигида 6-8 сантиметрдан ошмаслигига эътибор қаратиш ҳам фойдалан холи бўлмайд.

Мажлисида қайд этилганидек, йўл-транспорт воқеалари тўхтовсиз кўпайиб бораётган, йўл коммуникациялари ривожланаётган ва йўл ҳаракати жадаллашиб бораётган бир шароитда фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкни, ҳуқуқ ҳамда ҳаётининг ўртадаги ишчи органлари чуқурлиги 12-14 сантиметр, 90 сантиметр схемасида чигит экилган ерда 15-16 сантиметр этиб ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Культиваторнинг четки ишчи органларининг чуқурлиги эса ҳар икки қатор ораллигида 6-8 сантиметрдан ошмаслигига эътибор қаратиш ҳам фойдалан холи бўлмайд.

Фермер ҳўжалигимизда ана шу тадбирларни изчил рўёбга чиқариш учун техника воситаларимиз ҳам, ишчи кучимиз ҳам етарли. Шу боис «Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшади» эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда, ҳаммамиз қўлни қўлга бериб, астойдил меҳнат қилаёلمиз. Бу, ўз навбатида, далаларда режадан гилдан зиёдор пахта хирмони уюлиши учун пухта замин яратмоқда.

Фермер ҳўжалигимизда ана шу тадбирларни изчил рўёбга чиқариш учун техника воситаларимиз ҳам, ишчи кучимиз ҳам етарли. Шу боис «Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшади» эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда, ҳаммамиз қўлни қўлга бериб, астойдил меҳнат қилаёلمиз. Бу, ўз навбатида, далаларда режадан гилдан зиёдор пахта хирмони уюлиши учун пухта замин яратмоқда.

Рустам БОТИРОВ, Қўнғирот туманидаги «Қўнғирот қара» фермер ҳўжалиги механизатори.

(Давоми 2-бетда).

## Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшади деган ой МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР ЮМУШЛАРИ

Бу йилги баҳор кишлоқ ҳўжалиги учун анча қўлай келди. Табиатнинг ана шу соҳаватидан унумли фойдаланган деҳқонлар ерга қадалган чигитни тўлиқ улдириб олиб, ниҳолларни ўз вақтида, сифатли парвариш қилишга эришдилар. Натижада гўзаларда ҳосил элементлари тобора кўпаймоқда. Хусусан, ҳўжалигимизга қарашли 22 гектар майдондаги гўзанин ҳар бир тупида бугунги кунда 15-20 тадан бўлиқ кўсак мавжуд.

Культивациялаш, албатта, тупроқ этилиши биланқўшма ўтказилиши шарт. Бунда культуваторларнинг тегишли ишчи органлари ва мосламалари қўшма буюмлар билан ўралса, тракторнинг гилдиракларига махсус тўсиқлар қўйилса,

мазкур юмушнинг нафи янада самарали бўлади.

Бундан ташқари, август ойида культувациянинг чуқурлиги ҳам катта аҳамият бериш лозим. Сабаби, агар ишлов ўта чуқур ўтказилса, гўза илдири шикастланиб, ҳосилнинг йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин. Аксинча, у саёб бўлса, гўза илдирига ҳаво ва иссиқлик камроқ ўтиб, тупроқнинг айрим хусусиятлари ёмонлашади, шона ва гуллар, ҳатто кичик кўсалар ҳам тўқилишига олиб келади. Шунинг учун қатор оралари 60 сантиметр бўлган гўза майдониде культуваторнинг ўртадаги ишчи органлари чуқурлиги 12-14 сантиметр, 90 сантиметр схемасида чигит экилган ерда 15-16 сантиметр этиб ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Культиваторнинг четки ишчи органларининг чуқурлиги эса ҳар икки қатор ораллигида 6-8 сантиметрдан ошмаслигига эътибор қаратиш ҳам фойдалан холи бўлмайд.

Бирок, тажрибадан аёнки, гўзанин мўлжалдаги ҳосилни тўплашда август ойи энг масъулиятли давр ҳисобланади. Шунга яраша унинг

тиғиз юмушлари ҳам бор. Бугунгача тўпланган кўсак ва бошқа ҳосил элементларини сақлаб қолиш учун гўза қатор ораларини обитобиде культувациялаш — шулардан бири. У ўз вақтида, сифатли ўтказилса, ҳосилдорлиқни кес-

кин кўпайтиради. Чунки ушбу тадбирнинг амалга оширилиши туфайли суғоришдан кейин унинг чиққан бегона ўтлар йўқолади, тупроқдаги намлик узокроқ муддат сақланади, гўза илдирига ҳаво ва иссиқликнинг меъёрида этиб боришига замин яратилади.

Культивациялаш, албатта, тупроқ этилиши биланқўшма ўтказилиши шарт. Бунда культуваторларнинг тегишли ишчи органлари ва мосламалари қўшма буюмлар билан ўралса, тракторнинг гилдиракларига махсус тўсиқлар қўйилса,

Биз бу йил 114 гектар майдонда гўза парваришляймиз. Айни кунларда ҳар туп гўзада 20 тагача кўсак санаш мумкин. Айрим далаларимизда эса барака нишониси — пахта очилди.

## БУГУНГИ ИМКОН — ЭРТАНГИ БАРАКАЛИ ХИРМОН

Шундай бўлса-да, экинга ишлов беришни бўшаштирмаймиз. «Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшади» эканлигини ҳисобга олиб, барча имкониятларни ишга солаёلمиз. Айниқса, гўзани зараркундандалардан сақлаш масаласи диққат-эътиборимизда турибди. Бунда биологик усулни кенг қўллаёلمиз. Унинг афзаллиги шундаки, ортиқча маблағ сарфланмайди, ўз навбатида, ҳосил салмоғи ортади.

Бизнинг иқлим шароитимизда сув деҳқон учун олтин билан баробар. Шу боис охиёвддан оқилона фойдаланиш мақсадида суғориш маданиятига тўлиқ амал қилаёلمиз. Эгер, бу ҳосилдорлиқни оширишнинг муҳим шартларидан биридир.

Суғориш ишларига 14 та сувчи жалб этилган бўлиб, уларга барча шарт-шароит яратиб берилган. Бу юмуш, асосан, тунда «шар-

Давлатимиз раҳбари томонидан парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — Кенгашлар олдига қўйилган гоёт муҳим вазифалардан бири парламент қабул қилган қонунлар ижро этувчи ҳокимият томонидан бажарилишининг боришини назорат қилиш самарадорлигини оширишдан иборат.

## МАҚСАД — МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ

Наманган вилояти ҳокимлигида шу йил 6 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари томонидан ташкил этилган «Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинар маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари иштини ташкил этишда, уларнинг асосий вазифалари ва функцияларини самарали амалга оширишда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришда депутатларга ёрдам бериш, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий бепулим даражасини ва малакасини ошириш мақсадида ўтказилди.

Семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг қонунларни ҳамда Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Дастури доирасида қабул қилинган минтақавий дастурларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбеки-

Семинар асносида энг долзарб вазифалардан бири жойларда депутатлар корпусининг гоёт муҳим функцияси сифатида қонун ҳужжатлари, қабул қилинган бошқа ҳужжатлар ва қарорлар ижро этилишини таъсирчан назорат қилишни таъминлашга қаратилган ишчи янада кучайтиришдан,

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## КРЕДИТЛАР — КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг 518 миллиард сўмлик кредитлари йўналтирилди.

Натижада умумий капитал қўйилмалар ҳажмида тижорат банклари томонидан ўзлаштирилган кредит ресурслари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда икки баравардан ошди.



(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида ҳуқуқий-демократик ислохотлар кенг қўламда олиб борилаётган. Хусусан, яқинда кучга кирган "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида муҳим ҳужжат сифатида эътибор этилмоқда. Бюси, мазкур Қонун кучга киргунга қадар бу борадаги муносабатлар мамлакатимизнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа процессуал кодексларнинг айрим моддалари тартибга солинар эди.

# ХОЛИСЛИК, АНИҚЛИК ВА АДОЛАТ

## суд экспертизаси қонунчилигининг асосий омилларидир

Бу эса экспертларнинг ўз фаолиятини тўлақонли равишда амалга ошириши учун етарли эмасди. Қолаверса, бир қатор масалаларни ҳал қилишда турли тушунмовчиликлар юзга келарди. Шу маънода, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонун идоравий ҳужжатлардаги бири-бирига зид ҳолатларни бартараф қилиш учун ягона ҳуқуқий база, норматив ҳужжат сифатида эътироф этилиши бежиз эмас.

ноан, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма сўровига кўра, суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш шарт. Бунда давлат суд-экспертиза муассасалари давлат кўрсаткичлари ва қонун билан қўрилгандаги бошқа сирни ташкил этувчи олинган маълумотларнинг ошқор қилинмаслигини таъминлайди.

мунча қийинчиликларга дуч келишига аниқланган. Уларга маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки баъзи бир ҳудудларга суд экспертиза ходимлари умуман киритилмаган. "Суд экспертиза-

тариби белгиланган. Ҳақиқатан ҳам, давлат суд экспертларининг илмий салоҳиятини ошириш, янги техник ва технологик тайёргарлик жараёнларини етарли даражада такомиллаштириш учун халқро ҳамкорлини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу моддада экспертларимиз шартнома асосида хорижда тажриба алмашишлари, фаолият юритишлари, чет эл техника ва технологияларидан фойдаланиши, натижада, давлат суд экспертиза фаолиятларидан аниқлик ва тезкорлик, холислик таъминлашиш мустақамлангани эътиборга олимоқдир.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий ҳимояси барча соҳадаги каби суд экспертиза соҳасида қонунда ҳам ўз ифодасини топади. Қонуннинг 30-моддаси иккинчи бандида давлат суд эксперт-

### Конун кучга кирди

си тўғрисида"ги Қонуннинг ушбу 27-моддаси юқоридаги ҳолатларнинг қонуний ҳал этилишига асос бўлади. Давлат суд-экспертиза муассасасини қўриқлаш кўрсатилган 28-модда, айниқса, суд экспертиза фаолиятининг қонуний муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Негаки, суд-экспертиза муассасаси биноси, экспертларнинг ҳаёти, тегишли ҳужжатлар, экспертиза учун зарур ахборотлар ва бошқаларни сақлаш, эҳти-

# МАҚСАД — МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қилларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини янада такомиллаштириш, депутатлик назоратини амалга оширишда бу фаолиятнинг самарадорлигини кучайтириш масалалари юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, маҳаллий депутатлар гуруҳлари ўртасида

инновацион ахборот ва ахборот доимий равишда алмашиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли ҳудудлардан сайланган аъзолари билан яқиндан ҳамкорлигини мустақамлаш, депутатлар корпусининг салоҳияти ва фаоллигини ошириш, партиялар-

нинг депутатлар гуруҳлари фаоллигини ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган ишчи кучайтириш ва бу гуруҳларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фаолиятида беэвосита иштирок этиш каби иш шакллари амалиётга кенг жорий этиш зарурлиги ҳақида тақлифлар берилди.

Семинар ишида сенаторлар, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари ҳамда ушбу вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг, бир қатор илмий тадқиқот муассасаларининг ҳуқуқшунос олимлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎЗА).

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Оролбўйи минтақасини экологик реабилитация қилиш, сув-энергетика захиралари ва транспорт коммуникацияларидан унумли фойдаланиш, тикланадиган энергия манбаларини жорий қилиш ва кенг тарқатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Қатнашчиларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, бу борада замонавий транспорт-коммуникация тармоқларини барпо этиш, саноатда ва қишлоқ хўжалигида янги ишлаб чиқариш қувватла-

# ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЗАМОНАВИЙ, МАҲСУЛОТЛАР СИФАТЛИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодийнинг барча тармоқларини изчил ривожлантириш, хусусан, янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларни модернизациялаш, техник ва технология жihatдан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### Интилиш

Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётган.

Пойтахтимиздаги "Зетатекс" кўшма корхонаси фаолиятини бунга бир мисол сифатида келтириш мумкин. Хусусан, тўқимачилик, озик-овқат саноати, шу жумладан, қандолатчилик маҳсулотлари учун турли ҳажмдаги қутилар ва ёрликлар тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхонада бугунги кунда қирқ киши меҳнат қилмоқда. — Илғор технологиялардан кенг фойдаланиш натижасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида харидорларга 651 млн. сўмлик маҳсулот етказиб беришга эришдик, — дейди корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Рамил Абдуллаев. — Келажакда Германиядан замонавий ускуналар келтириб, унумдорлигини янада ошириш, иш ўринларини кўпайтириш, шу билан бирга, маҳсулотларимизни экспортга чиқариш ниятидамыз.



СУРАТДА: оператор Абдусамд Шодмонов, ишчилар Нигора Дўсимқулова, Наргиза Турсунова. Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

М. САИДЖОНОВ.

# ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

рини шакллантириш ва мавжудларини модернизация қилиш, экология, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифалардандир. Уларни бажаришда Япониянинг тажриба ва имкониятлари муҳим аҳамиятга эга. Бу мақсадларнинг рўйбга чиқарилиши минтақадаги барча мамлакатларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Япония томони Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Япония — Марказий Осиё иқтисодий форумини ўтказиш тақлифини илгари сурди. Кенгаш қатнашчилари бу тақлифни маъқуладди.

(ЎЗА).

Нуротадаги "Нурмухлис Завқи" хусусий корхонаси сутни қайта ишлайдиган янги технологик линияни ишга туширди.

Тадбиркор Нурмат Аҳмедов ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағи ҳамда кредит маблағидан самарали фойдаланди.

Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда бир тоннагача сут қайта ишланиб, қатиқ, творог, қаймоқ сингари ўндан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, худуддаги болалар боддаларига етказиб берилмоқда.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Азал-азалдан доврўги етти иқлимга кетган Хоразм қовунларининг шўхрати янада ошиб бораётганининг сирини нимада, деб ўйлайсиз? Сабаби аён: мамлакатимизда эъланиб қолган вақтда ҳам қишлоқ хўжалигининг мазкур сёрдаромад соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда ҳар бир туманда полизчиликка ихтисослаштирилган ўнга яқин фермер хўжалиқлари фаолият юритаётгани бунинг исботидир. Қолаверса, аҳоли ўз томорқаларида тилими тилини ёрадан қовун етиштиришни қанда қилмайди. Бунинг учун зарур техник воситалар ва уруғлик етарли.

# ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ

Республика сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик илмий тадқиқот институтининг вилоят таянч бўлимида Хоразм маҳаллий қовун навларини кўпайтириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили ушбу жамоа полизчиларга бир тоннадан ортиқ сёрхосил қовун уруғи етказиб бергани бу борадаги ишларнинг самарасидир.

Хозирги кунда бу ерда қовуннинг 6 та янги нави синовдан ўтказилаёпти. Умуман, вилоятда 55 тадан ортиқ қовун нави экилиб, парваришланади. Айниқса, қовуннинг воҳа тўпроқ иқлим шартига мос бўлган "Зар гулоби", "Амударё", "Саховат", "Гулоби Хоразмий", тарвузнинг "Қайтқора", "Дилноз", "Сурхон" каби янги навлари катта майдонларда етиштирилмоқда.

— Хоразм қовунларининг доврўгини ошириш, унинг маҳаллий навларини тиклаш, ҳашаротларга чидамли янги навларни кўпайтириш, аҳолининг полиз экинлари бўлган талабини қондириш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, — дейди бўлим раҳбари Файрат Гулимов. — Бугунги кунда вилоятимизда халқимиз севиб истеъмол қиладиган "Гурва"нинг бешта, "Бешак"нинг эса ўндан ортиқ эртапишар нави етиштирилмоқда. Бундан ташқари, бир қанча хориж навларини воҳа шароитида синаб кўраймиз. Масалан, "Чарлстон грай" тарвуз нави бизнинг шароитга мос экан, ундан юқори ҳосил олиш мумкин.

Утган йили вилоятда (аҳоли томорқасидаги майдонлар ҳам қўшиб ҳисобланганда) жами 5 минг гектардан зиёд майдонда қовун етиштирилди. Унинг гектардан 182 центнердан қовун, 80 центнердан уруғлик йиғиштири-

либ, 91 минг тоннадан ортиқ ширин-шакар қовун эл дастурхонига тортиқ қилинди. Тадбиркорлик билан иш юритилса, полизчилик ҳам катта даромад манбаи эканини амалда кўрсатди. Бу йил эса вилоятда жами 5 минг 37 гек-

тар майдонда қовун парваришланди. Уруғлик етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Энг асосийси, аҳолини полиз маҳсулотлари билан йил давомида узлуксиз таъминлашга эришиш учун қўшимча имкониятлар ишга солинган. Жумладан, вилоят қовун майдонларининг 40 фоизиди келтишар навлар парваришланаёпти. Бундан ташқари, хозирда вилоятда қовун сақланаридан 14 та махсус омбор мавжуд. Кузгача ана шундай омбор-

лардан яна 10 таси қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Қувончилар, қовунни қайта ишлаш кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бунга Хонқа туманидаги "Улли бобо" ҳамда Гурлан туманидаги "Бозор" фермер хўжалиқлари фаолияти мисол бўла ола-

### Бозор тўқинлиги йўлида

Аҳолининг парҳез гўшт ва тухумга бўлган эҳтиёжини таъминлашда фермер хўжалиқларининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, Миришкор туманидаги 58 та фермер хўжалигининг ҳар бирида 200 бошдан товуқ парваришлай йўлга қўйилгани ҳудудда ички бозорни шу турдаги маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу мақсадлар учун фермерлар 84,2 миллион сўм маблағ сарфлашди. Энг муҳими, 156 та янги иш ўрни яратилди.

Ф. БОЗОРОВ.

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 10 августдан бошлаб вилоят операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1477,18
1 Англия фунт стерлинги	2571,33
1 Дания кронаси	286,90
1 БАА дирҳами	438,33
1 АКШ доллари	1610,00
1 Миср фунти	284,10
1 Исландия кронаси	13,78
1 Канада доллари	1567,22
1 Ҳитой юани	237,97
1 Малайзия ринггити	512,25
1 Поляндия злотийси	512,65
1 СДР	2461,79
1 Туркия лираси	1079,81
1 Швейцария франки	1550,16
1 Евро	2121,38
10 Жаңубий Корея вон	13,90
10 Япония иенаси	188,48
1 Россия рубли	53,97
1 Украина гривнаси	204,03

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги лойиҳа амалга ошди

**АКАДЕМИК  
ОЛЕГ ЛЕБЕДЕВ**

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудолликка учради.

Машинасозлик механикаси соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Олег Владимирович Лебедев 70 ёшда вафот этди.

О. Лебедев 1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1962 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ҳозирги Тошкент ирригация ва мелiorация институти)ни тугатиб, ушбу билим масканида кафедра ассистенти сифатида иш бошлади. 1968 йилда номзодлик, 1980 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1987 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

О. Лебедев ўзининг қарийб 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент ирригация ва мелiorация институти проректори, собиқ Иттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими президиуми раиси ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти лаборатория муdiri каби лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Истеъодли ва ташкилотчи олим 1987 — 1992 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти вазифасида хизмат қилди. У давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, 1989 — 1990 йиллар давомида Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатди.

Таниқли олимнинг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, пахтачиликни механизациялаштириш, автотранспорт механикаси соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган ўндан ортиқ монография ва 500 дан ортиқ илмий мақолалари мамлакатимиз илм-фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўртимизда малакали муҳандис-механик кадрлар, ёш олим ва тадқиқотчиларни тайёрлаш борасида ҳам эътиборга лойиқ натижаларга эришди. Унинг бевосита раҳбарлигида 10 нафарга яқин фан доктори ва 40 нафардан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

Йирик олим, камтарин инсон Олег Лебедевининг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Ш. МИРЗИЁЕВ, А. АРИПОВ,  
Ш. СОЛИҲОВ, А. ГЛУЩЕНКО**



**Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан барқарорлигига бугун кўччилик ҳавас билан қарайди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб давлатларнинг иқтисодий ҳаётига жиддий салбий таъсир ўтказди ва бу ҳол ҳамон кузатилаётир. Мана шундай мураккаб шароитда ҳам юртимизда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.**

**ҲАЁТИЙ ДАСТУРЛАРНИНГ  
АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ**

Тараққиёт суръатлари янада ошмоқда, санаятда модернизациялаш, техник ва технология янгилини жараёни жадал бораётир, далаларда, боғу рогларда ҳосил мўл... Яқинда фермерларимиз томонидан қарийб 7 млн. тонналик галла хирмони бунёд этилган ҳам фикримизга ёрқин далилди. Халқимиз дастурхони бугун. Янги-янги бинолар, уй-жойлар шахару қишлоқлар кўрғига кўрк қўшмоқда. Хуллас, бунёдкорлик ва обдонлаштириш ишлари бор бўй-басти билан намён бўлмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган тинчликпарвар, одил тараққиётни таъминловчи сийosatнинг амалдаги самараларидир.

2009 йилда кўплаб мамлакатлар таназзул ботқоғида қолганидан яхши хабардорсиз. Мана шундай мураккаб шароитда мамлакатимиз ривожланиш суръатларини қандай қилиб сақлаб қолди? Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари бошчилигида ишлаб чиқилган ва машҳур беш тамойилни ўзи ичига олган тараққиётнинг "Ўзбек модели", давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислох этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси, шу жумладан, 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг таназзул таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ҳамда аҳамияти катта бўлди.

Шу йили ЯИМнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани халқро миждасда ҳам алоҳида эътироф этилди. Ҳўш, бошқа давлатларда шу даврда аҳоли қандай эди? 2009 йилнинг биринчи ярмида ташқи савдо Россияда 45, Қозоғистонда 42, Беларусда 40 фоиз, экспорт қиймати эса ўртача 40 фоизга ка-


майди. Орадан бир оз вақт ўтиб, яъни 2009 йилнинг тўққизинчи ойи якунига келиб ишлаб чиқариш ва шунга мос равишда ялпи ички маҳсулот Арманистон (18), Қозоғистон (3) ва Россия (13)да кутилганидан ҳам паст бўлди. Беларусда эса экспорт ҳажми 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 43 фоизга қисқарди. Бу кўрсаткич Арманистонда 42, Қозоғистонда 48, Молдовада 25, Россияда 44, Тожикистонда 38 фоизга камайди. Бунинг оқибатида иш ўринларини, ойлик маошларни қисқартириш ҳолатлари кўплаб кузатилди.

Бошқача қилиб айтганда, МДҲнинг қатор аъзолари ва Болтиқбўйи давлатлари ҳам таназзулнинг салбий таъсири остида қолиб кетди. Унга қарши қатор давлатлар ўзларининг миллий дастурлари билан кураш олиб борди. Шунга қарамай, кўпчилигида бу ў самарасини бермаганини юқоридаги ва кўйилдаги маълумотлар орқали ҳам билиб олиш мумкин. Мутахассислар томонидан инқирознинг таъсир кучи даражасига қараб МДҲ вакиллари уч гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ таркибига иқтисодий хурждан деярли зарар кўрмаган давлатлар киритилган. Қувонарлики, уларнинг орасида Ўзбекистон етакчи ўриндан жой олган. Бу бежизга эмаслигини кўплаб давлатлар, қузатувчилар, экспертлар ҳам эътироф этдилар.

Юртимизга таъсир буюрган Халқаро валюта ҳамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида ҳам бу борада ҳолисона баҳо берилган: "Ўзбекистон ҳукумати жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сийosat олиб борди. Бундай пухта ўйланган сийosat мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди".

Иккинчи гуруҳдан Беларус, Қозоғистон каби инқироздан ўртача зарар кўрган мамлакатлар ўрин олди. Учинчи гуруҳда эса таназзул асоратларини жиддий "ҳис" қилган давлатлар, жумладан, Россия, Арманистон, Молдова қабилар бор.

**Таҳлил ва таққос**



Қолаверса, Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам аҳоли ҳамон қутилганидек яхши эмас. Мазкур давлатларда ишчи-ходимларнинг ойлик маошларини камайитириш ҳоллари маъжудлигини айтиб ўтишнинг ўзи kifof. Бундай ҳолатлар Европа ва Америка қитъаси давлатларида ҳам кузатилаётир.

Ўзбекистонда эса сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайитириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича қирилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Бошқача қилиб айтганда, бунинг натижа-

сида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 2000 йилдагига нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар кўпайди.

Яна бир эътиборли томони, 2009 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати бўйича МДҲ аъзолари орасида энг юқори — 8 фоизлик кўрсаткич қайд этди. Ваҳоланки, ўша йилнинг биринчи ярмида бу борада Арманистонда 18,3 фоиз, Россияда 11,8 фоиз ва Украинада 17,8 фоизлик пасайиш кузатилди.

Умуман олганда, БМТнинг ҳисоб-китобларида кўра, 2009 йилда дунё бўйича ЯИМ ҳажми 2,2 фоизга қисқарди.

2010 йилда-чи? БМТ мутахассисларининг тахминларига кўра, жорий йил якунига келиб дунёда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 2,4 фоизга кўтарилди. Шу жумладан, МДҲда мазкур йил охиригача 1,7 фоизлик ўсиш кузатилади.

Бу қатор ҳукуматларнинг вазиятни барқарорлаштириш, биринчи навбатда, молиявий секторни жонлантириш ва ички талабни рағбатлантириш йўлидаги ислохотлари билан изоҳланаётир. Шунга қарамай, кўплаб ҳудудларда молиявий ва иқтисодий сектор ўртасидаги номуносиблик, ишсизлик муаммоси, истеъмол бозоридидаги талабнинг камлиги дунё иқтисодиёт тараққиётига бир неча

йил салбий таъсир ўтказишда давом этиши кутиляпти.

Юртимизда 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳамда шу асосда иқтисодиёт ўсишининг юқори ва барқарор суръатларини, унинг макро-иқтисодий мутаносиблигини таъминлаш ва самардорлигини юксалтириш бўйича амалга оширилётган чора-тадбирларнинг йилнинг дастлабки олти ойида ҳам ўз мевасини берди. Мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини, шу жумладан, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича дастурий чора-тадбирларни сўзсиз амалга ошириш юзасидан кўрилатган тадбирлар 2010 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоиз, санаят маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоиз, истеъмол товарлари 11,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоиз, қурилиш ишлари 11,5 фоиз, чакана савдо 10,3 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг 12,0 фоизга ўсишини таъминлади.

Маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирларнинг фаол амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида экспорттоварлар турлари 400 дан ошди. Экспортнинг 14,3 фоизга ўсиши, асосан, жисмоний ҳажмларнинг (тайёр трикотаж буюмлари, ип газлама ва калава, трикотаж полотноси, ёнгил автомобильлар, сим ва кабеллар, карбамид, мева-сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар) ортиши ҳисобидан таъминланди. Экспорт таркибига озик-овқат маҳсулотлари (165,6 фоиз), қора ва рангли металллар (172,1 фоиз), машиналар ва ускуналар (2 баравар), хизматлар (117,6 фоиз)ни ташкил этди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича эришилган ижобий натижалар Президентимиз томонидан тасдиқланган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирлар нечоғли самарали амалга оширилганидан далолат беради.

Санджон МАХСУМОВ.

**«Respublika Mulk-Auksioni» ДК Самарқанд вилояти филиали  
очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Самарқанд вилояти филиали билан ҳамкорликда 2010 йил 6 сентябрь кўни соат 11.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси охиби бориш тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдоларига яқна тартибда уй-жой ва қўқ қаватли тураржой биноси қуриш учун ер майдонлари қўйилганини маълум қилади.

1. Самарқанд шаҳри, Бегуний кўчаси, ҳудудда яқна тартибда уй-жой қуриш учун сатҳи 400 кв.м.дан иборат 24, 25, 26, 27, 28, 31, 35, 36, 37, 39, 41, 42, 43, 44, 45, 48, 49, 50, 51, 54, 57, 58, 59, 60, 61, 62-сонли ер майдонлари, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.
2. Самарқанд шаҳри, Улугбек кўчаси ҳудудда 5 қаватли тураржой биноси қуриш учун 9-сонли ер майдони. Ер майдонининг умумий майдони — 3500 кв.м., қурилиш ости майдони — 1280 кв.м., бошланғич баҳоси — 230 400 000 сўм.

**Аукцион савдосининг асосий шартлари:**  
— **голиб бўлган талабгорлар ер майдонларини 2 йил давомида сотиши мумкин эмас;**  
— **ер майдонлари қурилишини шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати билан биргаликда келиши ҳамда икки ой мuddатда қурилиш бошлаш ва жорий йилнинг якунига қадар қурилишни тугаллаш.** Мазкур талаблар бажарилмаган тақдирда, ер майдонлари мулк эгасига қайтарилади ҳамда талабгорлар томонидан тўланган 15 фоизлик гаров суммаси қайтарилмайди.

Аукцион савдолари Самарқанд шаҳри, А. Жомий кўчаси, 59-уйда жойлашган Самарқанд шаҳар ҳокимлиги

биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.  
Аукцион савдолари бўйича талабгорлардан аризаларни «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Самарқанд вилояти филиалида қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан уч кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашни истагидеги талабгорлар зақалат келишуви тузилганидан сўн объект бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридеги зақалат пулини «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Самарқанд вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Самарқанд филиалидаги МФО: 00264, СТИР: 206761326, 2021000010457599010 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, вақалатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Ушбу кўни сотилмай қолган ер майдонлари 2010 йил 13, 20, 27 сентябрь, 4, 11, 18, 25 октябрь, 1, 8, 15, 22, 29 ноябрь кўнлари соат 11.00 дан бошлаб такрорий аукцион савдоларига қўйилади.

Қўшимча маълумотлар учун «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Самарқанд вилояти филиалига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**140100, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй, Давлат мулк қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 2-қават, 205-203-хоналар.**  
**Тел./факс: (8-365) 210-04-01, 230-14-51.**  
**E-mail: info@mulk.uz**

**«Кредит-Стандарт» банки**

**қурилиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган компаниялар ўртасида Бухоро шаҳридаги биноси «Кредит-Стандарт» ОАТБ филиали учун реконструкция қилиш бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади.**

Танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган барча таклифлар муҳрланган конвертларда 2010 йил 9 сентябрь кўни соат 17.00 гача қўйида келтирилган манзилга юборилиши лозим.

Танлов ҳужжатлари учун ҳақ олинмайди.

Қизиқиш билдирган ташкилотлар тендер ҳужжатлари ва тендер ўтказилиши тартиби тўғрисидаги маълумотни қўйидаги манзилдан олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Миробод к. (собиқ Кунаев), 25, «Кредит-Стандарт» ОАТБ.

Телефон: (+998-71) 140-12-00.  
Факс: (+998-71) 140-12-17.  
www.csb.uz

Мулоқот қилувчи шахс — Мусавев Жамшид Отабекович.

**ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ**

**«ТОШКЕНТ**

**Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

**Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

**Бундан ташқари:**

**ЙИГМА ПАРКЕТ** (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

**КАРБИД** — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

**SONATA**

**Ўз йўлини танла!**

**Drive your way**

**Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.**

**Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.**

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner **www.hyundai.com.uz**

**Tel. (8-371) 250-11-11**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшманинг фахрий журналистлар кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Мақсуд ҚОРИЕВИНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Олий ҳўжалик судининг судьяси Маҳмуда Израилбековага акаси **Эркинжон ИЗРАИЛБЕКОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси Қон қуйиш станцияси муdiri Мавлюда Адиловага қизи **СЕВАРАХОННИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошканбой Исмагулов — болалар шифокори. У Нукус тумани, "Тақиркўл" овул фуқаро-лар йиғинига қарашли "Ўрнек-1" қишлоқ врачлик пунктида узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келади. Согда, одми одам. Болалар— жону дили. Улар касал бўлмаса, дейди.

Ўзи келиб қолди. Воҳадаги қишлоқ врачлик пункти аҳолини кўриб, ўрганиб юрган экан. Бир пиёла чой устида гурунлашиб қолди.

бошлаб ўзига хос янгиликка қўл ур-қўқимиз. Янгитдан реконструкция қилинган 10 та қишлоқ врачлик пунктида 4 тадан хонани жи-ҳозлаб, олий маълумотли, юксак малакали шифокорларимизни оила-лари билан шу ерда истикомат қилишларига шароит яратиб бери-шқимиз. Бу, ўз навбатида, тиб-

ган тақдирда ҳам, бирорта энгил машина ажратарми...

Жиззах томонларда Она-бола соғлиги — юрт бойлиги

# Боғларга туташ ҚВП

— Гулпаршин, болангнинг иссиги тушдими? Қани, у азаматни бир зиёрат этайлик-чи? — дейди ёш келинчака.

ташқари, ҳар бир овулга ходимла-римизни бириктирдик. 1775 нафар туғиш ёшидаги аёл, 400 нафар қиз, 1867 нафар 14 ёшгача бўлган бола, 397 нафар қария ҳисобимизда тура-ди. Уларни ҳар ой тиббий кўрик-дан ўтказамиз. Лозим бўлса, туман-дан, вилоятдан юқори малакали му-тахассисларни чақирамиз. Болалар-ни турли касалликларга қарши му-таазам эмлаб борамиз. Тез-тез овул, маҳалларда, хонадонларда бўлиб, касалликларнинг олдини олиш, соғ-лом турмуш тарзини шакллантириш бўйича суҳбатлар ўтказамиз...

хоналари, ҳамма жиҳозлари бека-ри муқим бўлиши, ЭКГ, муола-жа хонаси, туғиш ёшидаги аёллар хонаси, болалар хонаси... Фитла-бар... турфа препаратлар... Яна нима керак?!

раминиз бор, — дейди Отажон Қари-мович. — Ҳар йили йиғирмадан қишлоқ врачлик пунктини намуна-ли ҚВПга айлантиришга қарор қил-ганимиз. Ўтган йил учун белгилан-ган режимида муваффақиятли ба-жардик. Бу борада бизга республика-мига бириктирилган Тошкентда-ги кўз микрохирургияси маркази мутахассислари амалий ёрдам бе-ришиди. Иزلанишларимиз ўз сама-

бий хизматни аҳолига янада яқин-лаштириш, одамларга янада қулай-лик яратиш имконини беради. Ҳўш, сиз бунга нима дейсиз, оқсоқол, шундай қилсак яхши бўладими? — деб сўраб қолди вақиримиз.

Сўзимни мухтасар қиладиган бўлсам, Мустиқиллик йилларида барча соҳаларда бўлганидек, аҳоли саломатлигини сақлаш со-ҳасида ҳам асрларга татигулик улуғвор ишлар қилинди. Тиббиёт-тимизнинг дунёни лол қолдирадиган даражада илгарилар кетгани-ни-ку, айтмай қўяқолай, энг муҳи-ми, тиббиёт халққа яқинлашди. Инсон, унинг сихат-саломатлиги биринчи даражада, давлат аҳами-ятига молик юмушга айланди. Янг-лишмасам, бизнинг Қорақалпоғис-тон Ўзбекистондаги энг худуди катта воҳа. Туманларимиз, овул-ларимиз бири-биридан олис. Овулларимиздаги мустиқиллик йилларида қад ростлаган қишлоқ врачлик пункти аҳоли жонига оро қирапти, узогини яқин, муш-қилини осон қиляпти.

## Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

тушингизга қирмаган янгилик. Врач-лик пунктида Бирлашган Миллат-лар Ташкилотининг Тараққиёт дас-тури бўйича қуёш батареяси ўрна-тилибди. Бу батареялар қуёшдан электр қуввати олиб, бутун бир би-онини иситиб беради. Врачлик пунк-тида ёз туғул, қаҳратонда ҳам қўйлақдан юрарасиз, иссиқ сув, совуқ сув узилмайди. Мўъжизанинг ўзгинаси. Боз устига, қишлоқ врач-лик пунктининг икки гектарлик боғи ҳам бор экан. Мева-сабзавот дега-ни пишиб, тағига тушиб ётибди.

расини кўрсатмоқда. Ўзбекистон миқёсида ўтказилган "Энг намуна-ли ҚВП" кўрик-танловига Эллис-қалъа туманидаги "Ибн Сино" қишлоқ врачлик пункти фахрли 1-ўринни олиб, "Дамас" энгил ав-томобили билан тақдирланди. Бу йил ҳам 20 та қишлоқ врачлик пунк-тини намунали ҚВПга айлантириш устида иш олиб бораёямиз.

Йўқ, баландпарвозликка йўйманг. Буларнинг ҳаммаси улуг Истиқлолимиз шарофати билан, мард, доно Президентимизнинг халқпарвар сиёсати, фидойиликлари туфайли рўй берапти. Ана шуларни ўйласам, тўлқинланиб кетаман. Узининг буюк келажаги сари дадил бораётган шу катта мамлакатнинг, шу катта қарвоннинг бир зарраси эканимдан, шу сафда, тарих яратётган бунёдкор одамлар сафида эканимдан қалбим қувончларга тўлади. Фурур, ифти-хор ҳисси вужуд-вужудимни эғзалаб олади.

Хўшроқ АҲМЕДОВ, Али ЗИЁДОВ.

Мустиқиллик йилларида миллий хунарманчилигимиз қайта қадр топди. Бири-биринида истеъдодли қўли гул усталар, заргару дўппидўзлар кашф этилди, улар учун кенг қулайликлар яратиб берилди.

## «Дўппи тикдим ипақлари тиллодан»

«Дўппи тикдим ипақлари тиллодан» анъанавий кўрик-танлови ҳам ана шу эъти-бор рамаларидан бирига айланган. Қўллаб-қўлловчи раҳбарларни юзага чиқариш им-кониятини берувчи мазкур тадбир жорий йилда одатдаги-дек катта қизи-қиш ва соғлом рақобат руҳи остида ўтмоқда. Танловнинг Урганч шаҳрида ташкил этилган вилоят босқичи ҳақида ҳам ана шундай дейиш мумкин. У вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Хунарманд» уюшмаси ҳамда «Мамолот» ёшлар ик-тимойи ҳаракати вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилди.

бақасида шаҳар ва туман босқичларида муваффақият қозонган 20 нафар хунар-манд қиз олтин шарт бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Ёш авлодни халқ-қизнинг қадимий анъанала-рига содиқлик руҳида тарбия-лашда муҳим аҳамият касб этадиган маз-кур кўрик-танловда Урганч санъат касб-хунар коллежи талабаси Латофат Мўми-нова голибликни қўлга киритди.

Тадбир доирасида қадим-ий ва замонавий дўппи-лар кўргазмаси ҳам намо-йиш этилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ОБ-ҲАВО (10 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгин-гарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 22-27, кун-дузи 38-43 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмай-ди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳаро-рат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 22-27, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кузатилмайди. Тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 38-40 даража иссиқ бўлади.

«Ўзидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

## Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Истиқлол барча соҳалар қатори спортни ҳам ривожлантириш, мустиқил юрт фарзандларининг бу борадаги истеъдод ва қобилиятларини намоёиш этиш имкониятини яратиб берди. Президентимиз раҳнамолигида спортни оммавийлаштиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли юртимиз доврғини дунёга таратадиган номдор спортчилар етишиб чиқмоқда. Улар турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва китъа чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистон шухратида шухрат қўшмоқдалар.

## «ЎЗБЕКISTONГА ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТАМИЗ»

Шу йилнинг 14 — 26 август кун-лари Сингапурда илк маротаба ўсмирлар ўртасида 1 ёзги Олим-пиада ўйинлари бўлиб ўтади. Му-тахассислар ушбу нуфузли мусо-бадада ҳам ўзбекистонлик спорт-чиларнинг имкониятини юқори ба-ҳолашмоқда.

Жумладан, Гулноза Матниёзова, Мансур Мўминхўжаев (дзюдо), Дилноза Абдусали-мова, Эдуард Шаулов (спорт гимнастикаси), Азиза Мамажонова (бадий гимнастика), Элмурод Холиқов (стол тенниси), Зиёвуд-дин Кутбиддинов, Ганна Пустварова (огир атлетика), Абуақир Расулов (таэквондо), Зоҳиджон Хурбоев, Аҳмад Мамажонов, Сардор Бегалиев (бокс), Юлдуз Қўчқорова, Дмитрий Швецов (сузш), Нурбек Ҳаққулов, Руслан Камиллов, Дийёр Эргашев, Нилуфар Гадоева (юнон-рум кураши ва эркин кураш), Руслан Курбанов, Анастасия Байқова (енгил атлетика), Ленера Асанова (ўқ отиш) Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

балари билан муносиб совға ҳозирлашга сўз беришиди. Улар ҳар бир ғалабамиз — Ўзбеки-стон ғалабаси эканлиги яхши билишди. Оталарча гамхўрлик кўрсатаётган Прези-дентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.



Бокс бўйича Ўзбе-кистон ўсмирлар тер-ма жамоаси сафига энг иқтидорли уч на-фар спортчи жалб этилган. Айниқса, Олимпиада саралаш турнирида му-тахассислар ишонига сазовор бўлган А. Мамажонов, З. Хурбоев-дан умид қиламиз.

## ШВЕЙЦАРИЯ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ СТИПЕНДИЯЛАРИ

Швейцария Конфедерацияси олий маълумотли Ўзбекистон фуқароларига 2011 — 2012 ўқув йили учун стипендиялар ажратади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририятлари

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703, 41762 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девоҳона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Тел.: 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 20.35 Топшириқди — 21.00